



ON THE COMPARATIVE STUDY OF THE SCO AND ASEAN WITHIN THE THE THEORY OF “NEW REGIONALISM”

Rakhmatulla Ibrahimovich Nurimbetov

PhD, independent researcher

Tashkent State University of Oriental Studies

Tashkent, Uzbekistan

E-mail: n.rakhmatulla1977@gmail.com

ABOUT ARTICLE

Key words: The Shanghai Cooperation Organization, transport and transit potential, transport communications, Eurasian space, transport diplomacy, transport connectivity.

Received: 28.04.24

Accepted: 30.04.24

Published: 02.05.24

Abstract: The article examines theoretical approaches to studying the SCO and ASEAN as regional organizations. The urgency of studying two organizations within the framework of the theory of “new regionalism” is substantiated. A comparative analysis of the commonalities and differences between the SCO and ASEAN is presented using the SWOT analysis method.

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШҚИЛОТИ ВА АСЕАННИ “ЯНГИ МИНТАҚАВИЙЛИК” НАЗАРИЯСИ ДОИРАСИДА ҚИЁСИЙ ЎРГАНИШГА ДОИР

Рахматулла Ибрагимович Нуримбетов

PhD, мустақил тадқиқотчи

Тошкент давлат шарқшинослик университети

Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: n.rakhmatulla1977@gmail.com

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, АСЕАН, минтақавий ташкилотлар, “янги минтақавийлик”, дунё тартиботи.

Аннотация: Мақолада ШХТ ва АСЕАН ташкилотларини назарий жиҳатдан ўрганишга доир асосий ёндошувлар кўриб чиқилган. Ушбу икки нафар ташкилотни “янги минтақавийлик” концепцияси доирасидаги ўрганиш дозарблиги асосланган. ШХТ ва АСЕАН ўртасидаги умумийлик ва тафовутлар SWOT-таҳлил услуги ёрдами қиёсий ўрганилган.

К ВОПРОСУ О СРАВНИТЕЛЬНОМ ИЗУЧЕНИИ ШОС И АСЕАН В РАМКАХ ТЕОРИИ “НОВОГО РЕГИОНАЛИЗМА”

Рахматулла Ибрагимович Нуримбетов.

PhD, независимый исследователь

Ташкентский государственный университет востоковедения

Ташкент, Узбекистан

E-mail: n.rakhmatulla1977@gmail.com

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Шанхайская организация сотрудничества, АСЕАН, региональные организации, “новый регионализм”, миропорядок.

Аннотация: В статье рассмотрены теоретические подходы к изучению деятельности ШОС и АСЕАН как региональных организаций. Обоснована целесообразность изучения двух организаций в рамках теории «нового регионализма». Представлен сравнительный анализ общностей и различий между ШОС и АСЕАН с помощью метода SWOT – анализа.

КИРИШ

“Совук уруш”нинг тугаши минтақалар даражасидаги ҳамкорликка бўлган интилишни ва минтақавий ташкилотларнинг кўпайишига жиддий туртки бўлди. 1990 йилларнинг охирилариға қадар айрим ғарблик олимлар Европадан ташқаридаги минтақавий ҳамкорлик лойиҳалари ва ташкилотларни Европа Иттифоқи билан қиёслаган ҳолда, уларни “муваффақиятсиз” деб баҳолашган. Улар янги турдаги минтақавий ташкилотлар ҳар бир минтақанинг ўзига хос хусусиятлари ва шарт-шароитлари таъсирида ривожланганлигини инобатга олишмаган. Бу эса, ўз навбатида, Ғарбдан ташқарида юзага келган минтақавий ҳамкорлик тузилмаларини эски назариялар доирасида ишлаб чиқилган услублар билан ўрганиш мақбул эмаслиги ва шу сабаб янги назарияларнинг вужудга келишини тақозо этди.

Назарий жиҳатдан бу муаммо илк маротаба 1980-йилларда швециялик олимлар Б.Хеттне ва Ф.Сёдербаум томонидан батафсил ўрганилган бўлиб, айнан улар “янги минтақавийлик” концепциясининг асосчилари ҳисобланишади. Кейинчалик, ушбу назарияни Л.Фосет, М.Тело, М.Шульц, И.Ожендалъ каби олимлар бойитишган. Бугунги кун илмий адабиётларида янги минтақавийликнинг турли назарияларини учратиши мумкин: “қиёсий минтақавийлик”, “минтақалар дунёси”, “Осиё минтақавийлиги”, “қаттиқ минтақавийлик”, “юмшоқ минтақавийлик” ва бошқалар.

АСОСИЙ ҚИСМ

Янги минтақавийликнинг юзага келишини биполяр тизимнинг таназзулидан кейин янги мустақил давлатлар сиёсий ноаниқлик ва барқарорликка гирдобига кириб қолишиди ва бу уларни минтақалар доирасида ҳамкорликни кучайтиришга ундаган. Шунингдек,

глобаллашув натижасида юзага келган иқтисодий ўзаро боғлиқликнинг турли оқибатларини мутаносиблаштириш кўплаб мамлакатларнинг минтақавий ҳамкорлик схемаларига мурожаат қилишини тақозо этган эди. Янги минтақавийлик назариячилари унинг “эскиси”дан қуидагилар билан фарқ қилишини кўрсатишиади: 1) янги минтақавийлик қарийб кўплаб минтақаларга доир, яъни умумжаҳон феномен, айрим истисноларни ҳисобга олмаганд; 2) у европацентрик эмас; 3) эски минтақавийликдагидек тор, фақат ҳимоявий ёки иқтисодий мақсадларни кўзда тутмайди, балки кенг мақсадларга йўналтирилган (сиёсий, маданий ва ижтимоий жиҳатларни ҳам қамраб оладиган ҳамкорлик); 4) интеграциялашув жараёни, ҳам “қуидан” (фуқаролик жамияти ва хусусий сектор томонидан), ҳам “юқоридан” (яъни хукуматлар томонидан) рағбатлантирилиши мумкин.

Янги минтақавийлик концепциялари хилма-хил ва ҳатто бир-бирига зид жиҳатларга ҳам эга. Улардаги энг асосий мунозарали, замонавий ҳалқаро муносабатлар трансформацияси учун муҳим бўлган иккита масалани кўрсатиш мумкин. *Биринчиси*, глобаллашув ва минтақалашув жараёнларининг ўзаро боғлиқлик ёки зидлик муаммоси. Дастлабки назариётчилар, “глобаллашув ва минтақавийлашув ўзаро яқин жараёнлар ҳамда турли шартлар таъсирида минтақавийлашувнинг бир-биридан фарқ қилувчи моделларининг шаклланишини белгилаб беради, деб ҳисоблашган. Лекин, бу борадаги охирги тадқиқотларда глобаллашув ва минтақавийлашув бир-биридан мустақил жараёнлар, аксинча айнан минтақавийлашув кейинги даврда глобаллашув хусусиятларига кўпроқ таъсир кўрсатмоқда, дейилади. Бундай мунозара ўз-ўзидан иккинчи – минтақавий ташкилотлар ва минтақавий ҳамкорлигининг бошқа платформаларининг дунё тартиботига таъсири билан боғлиқ масалани келтириб чиқади. Айрим олимлар минтақавийликни глобаллашувга зид бўлган ва шу сабаб глобал бошқарув учун халақит берувчи салбий феномен, деб билади. Уларнинг ёндошуви асосида “янги турдаги минтақавий ташкилотлар Ғарб томонидан ўрнатилган дунё тартиботини шубҳа остига қўйишиади ва шу сабаб замонавий ҳалқаро муносабатлар тизимига путур етказиши мумкин”, деган ғоя ётади (шу каби қарашлар айниқса 1990-йилларда кучли бўлган).

Осиё қитъасида Ғарб давлатларининг иштирокисиз шаклланган иккита йирик ва муваффақиятли ташкилотлар – Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва Жанубий-Шарқий Осиё давлатлари уюшмаси (АСЕАН) илмий доираларда “минтақавий ташкилот” деб таърифланади. Бу икки нафар ташкилотни охирги даврда айнан “янги минтақавийлик” назариясида ўрганиш тенденцияси кучли эканлиги билан ажralиб туради.

Қиёсий ёндошув вакиллари ШХТ ва АСЕАНнинг Осиё қитъасида кўптомонламаликни илгари сурувчи ҳамкорлик механизмлари сифатидаги “устун жиҳатлари” ва уларга хос “тафовутлар”ни очиб беришади. Улар хусусан иккала ташкилотнинг гоявий доктриналарини (“Шанхай руҳи” ва “АСЕАН” йўли”) қиёсий ўрганишар экан, мазкур тузилмаларда ҳам умунийлик ва ўхшашлик, ҳам жиддий тафовутлар мавжудлигини кўрсатишади. Умумийликларга, жумладан, ҳар иккала тузилмада аъзо давлатларнинг суверенитети олий норма сифатида қабул қилинган. Шунингдек минтақавий ҳамкорлик масалаларига “юмшоқ”, яъни мажбурловчи бўлмаган прагматик ёндошув шаклланган (яъни қабул қилинган қарорларнинг ташкилотга аъзо давлатлар томонидан ижро этилишининг мажбурий механизми йўқ. Таққослаш учун – Фарбда шаклланган минтақавий ташкилотларда, хусусан, Европа Иттифоқида “мажбурловчи ҳамкорлик” тартиби шакллантирилган).

ШХТ ва АСЕАН ўртасидаги асосий тафовутлар эса – бу ҳамкорлик йўналишлари (ШХТда кўпроқ хавфсизлик ва таҳдидларга қарши кураш масалалари, АСЕАНда – савдо-иқтисодий масалалар). Яна бир муҳим фарқ – ташкилот ичидаги мувозанат. Агарда ШХТда “катта давлатлар”, “ўрта давлатлар” ва “кичик давлатлар” иштирок этишса, АСЕАН аъзолари нисбатан ўзаро teng, унда “катта давлат” макомига эга бўлган мамлакатнинг ўзи йўқ.

Лекин ушбу умунийлик ва тафовутлардан қатъий назар, олимлар ШХТ ва АСЕАН Осиёда очиқ турдаги “эркин минтақавийлик” моделини ишлаб чиқишига ва тадбиқ этишига хизмат қилаётганини таъкидлашади. Уларнинг фикрича, “Шанхай руҳи” ва “АСЕАН йўли” замонавий халқаро муносабатларда, масалан, кўпқутбли дунёни шакллантириш жараёнларига муҳим ҳисса қўша оладиган янги турдаги минтақавийликни шакллантириш учун интеллектуал асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Буни қайсиdir маънода ғарблик етакчи мутахассислар ҳам тан олишади. Хусусан, “эски” ва “янги” минтақавийлик муаммоларини илмий жиҳатдан чуқур ўрганган С.Арис фикрича, фаолият кўрсатиши нуктаи назарида ўзаро ўхшаш тамойиллари (консенсус асосида қарорларни қабул қилиш, “юмшоқ ҳамкорлик”, аъзо давлатлар ўртасида норасмий алоқаларнинг кучлилиги, “суверен ҳамкорлик”) ва ҳамкорлик йўналишлари (аъзо давлатлардаги сиёсий тизим хавфсизлигининг, иқтисодий тараққиёт ва барқарорлик мақсадларининг демократик қадриятлардан устун қўйилиши) бўйича ШХТ ва АСЕАН минтақавий ҳамкорлик модделларини озми-кўпми, муваффақиятли илгари сурмоқда. Бу эса халқаро муносабатлар ва минтақавий ҳамкорлик масалаларини ўрганиш борасида “универсал” деб тан олинган назарияларнинг “кўптомонлама институтлар фақатгина аъзо

давлатларнинг интеграция йўлида суверенитетининг бир қисмидан воз кечган тақдирдагина шаклланишлари мумкин”, деган қарашларини шубҳа остига қўймоқда.

Шу нуқтаи-назардан ҳам, Осиёдаги энг йирик минтақавий ташкилотлар ҳисобланган ШХТ ва АСЕАНни қиёсий ўрганиш “осиёча минтақавийлик”нинг шаклланиш жараёнлари ва хусусиятлари, шунингдек янги халқаро муносабатлар тизимининг шаклланишига таъсирини ўрганиш контекстида муҳим илмий аҳамият касб этади, деган фикрдамиз. Қуйидаги жадвалда сиёsatшунослик фанида кенг қўлланиладиган қиёсий таҳлил (политологик компаративизм) услубида иккала ташкилотлар ўртасидаги умумийликлар (ўхшашликлар) ва тафовутлар ўрганиб чиқилди.

ШХТ ва АСЕАНнинг “янги минтақавийлик” моделлари: ўхшашликлар ва тафовутлар (қиёсий таҳлил)

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ (ШХТ)	ЖАНУБИЙ-ШАРҚИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ (АСЕАН)
Умумий маълумотлар: 2021 йил ташкил топган; 10 нафар доимий аъзо, 2 та кузатувчи ва 14та муроқот бўйича шерик Умумий ҳудуди: 35 млн км ² Умумий аҳолиси: 3,4 млрд. Йиғма Ялпи миллий маҳсулот ҳажми: 23 трлн. АҚШ доллари.	Умумий маълумотлар: 1967 йил ташкил топган. 10 та доими аъзо, “маҳсус кузатувчилар” – 2 та. Умумий ҳудуди: 4,5 млн км ² Умумий аҳолиси: 664 млн. Йиғма Ялпи миллий маҳсулот ҳажми: 9,731 трлн. АҚШ доллари
УМУМИЛИЙКЛАР / ЎХШАШЛИКЛАР	
Миллий органлардан устун бошқарув ишчи органлари мавжуд эмас (“суверен интеграция” модели) “Элитар ҳамкорлик” (минтақавий ҳамкорлик - аъзо давлатлар сиёсий элиталари ўртасида ҳамкорлик маҳсали сифатида)	Миллий органлардан устун бошқарув ишчи органлари мавжуд эмас (“суверен интеграция” модели) “Элитар ҳамкорлик” (минтақавий ҳамкорлик - аъзо давлатлар сиёсий элиталари ўртасида ҳамкорлик маҳсали сифатида)
Қарорларнинг консенсус асосида қабул қилиниши (“консенсусга асосланган ҳамкорлик” модели)	Қарорларнинг консенсус асосида қабул қилиниши (“консенсусга асосланган ҳамкорлик” модели)
Қабул қилинган қарорларнинг аъзо давлатлар учун мажбурий эмаслиги (“эркин минтақавийлик”).	Қабул қилинган қарорларнинг аъзо давлатлар учун мажбурий эмаслиги (“эркин минтақавийлик”).
Марказий Осиёда учинчи геосиёсий кучларнинг (энг аввало, АҚШ ва НАТОнинг)	Сиёсий мақсадлари
	Ғарб (колониал давлатлар)нинг, шунингдек коммунизмнинг АСЕАН

таъсиридан холи мінтақавий тартиботни шакллантириш		мінтақасига таъсирини, унга айзо давлатлар суверенитетега таҳдидини камайдыр
Кўптқутбли дунё тартиботининг шакллаштириш тарафдори		Кўптқутбли дунё тартиботининг шакллаштириш тарафдори
Давлат суверенитети ва хавфсизлигининг устуворлиги (либерал қадриятларга нисбатан)		Давлат суверенитети ва хавфсизлигининг устуворлиги (либерал қадриятларга нисбатан)

ТАФОВУТЛАР

ШХТда учта “катта” (Хитой, Россия ва Ҳиндистон), “ўрта” ва “кичик” аъзолар мавжуд	Ташкилот ичидағи мувозанат	АСЕАНга айзо давлатларда “катта” давлатлар мавжуд эмас.
“Уч ёвузлик” (терроризм, сепаратизм ва экстремизм) таҳдидлариға кураш институционал шаклга эга (Мінтақавий аксиллеррорчилик тузилмаси)	Хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик даражаси	Хавфсизликка таҳдидларга қарши курашнинг “юмшоқ модели” (хавфсизлик соҳасида маҳсус институт мавжуд эмас)
Иқтисодий ҳамкорлик паст даражада ривожланган, хусусан, эркин савдо худуди шаклланмаган	Иқтисодий ҳамкорлик даражаси	Савдо-иқтисолий, инвестициавий, тармоқлааро ва транспорт соҳаларидағи ҳамкорлик анча чуқурлашган, ички бозор ва эркин савдо йўлга кўйилган.

Охирги даврда айрим хитойлик тадқиқотчилар Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг кенгайиши муносабати билан унинг “мінтақавий тузилма” сифатида моҳияти ҳам ўзгараётганлигини таъкидлашмоқда. Чунки, аввал унинг “мінтақавийлиги” асосан Марказий Осиёда хавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорлик масалалари билан белгиланган бўлса, эндиликда унинг таркибида Жанубий Осиё ва Яқин Шарқ худудлари ҳам мавжуд. Уларнинг фикрича, бу иккала ҳудуд ҳам стратегик мухим мінтақалар эканлигидан келиб чиқиб, ташкилотнинг йирик аъзолари ўртасидаги рақобатни кучайтириши мумкин. Бу эса ўз навбатида ШХТнинг энг асосий афзалликларидан бири – “мінтақавий коненсусга эришиш” қобилиятига таъсир кўрсатиши мумкин.

ХУЛОСА

Умуман, ҳам АСЕАН, ҳам ШХТ янги “нормалар”, “ўйин қоидалари”ни ҳамда кўп томонлама, мінтақавий ва трансмінтақавий ҳамкорлик форматларини ишлаб чиқмоқда ва уларни озми-кўпми Осиё ва Евроосиё қитъасида муваффақиятли тадбиқ этмоқда. Шу

маънода, илмий жиҳатдан олганда иккала тузилманинг ривожланиш тажрибаси “янги минтақавийлик”нинг назарий-концепутал асосларини бойитмоқда.

Ўз навбатида, ШХТни “осиё минтақавийлиги”нинг яна бир муваффақиятли вакили – АСЕАН билан қиёсий ўрганиш иккала ташкилот ўртасида асосий умумийлик ва тафовутларни аниқлаган ҳолда, уларга хос устун жиҳатлар ва етишмовчиликларни аниқлаш имконини беради. Хусусан, Шанхай ҳамкорлик ташкилотида савдо, иқтисодиёт ва транспорт соҳаларидағи ҳамкорлик анча паст даражада, АСЕАНда эса институционал жиҳатдан мукаммалроқ эканлигини кўриш мумкин. Бу, ўз навбатида, АСЕАНнинг айнан иқтисодий интеграция соҳасидаги тажрибасини ўрганиш ва ундан ШХТнинг бу соҳаларда ҳамкорлигини такомиллаштириш мақсадида фойдаланиш долзарб эканлигини кўрсатади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Михайленко, Е. Б. «Старый» и «новый» регионализм: теоретический дискурс: курс лекций: [учеб. пособие] / Е. Б. Михайленко; [науч. ред. М. М. Лебедева]; М-во образования и науки Рос. Федерации, Урал. Федерал. ун-т. — Екатеринбург: Изд-во Урал. ун-та, 2014. - 116 с.
2. М.Л.Лагутина, Е.Б.Михайлов. Регионализм в глобальную эпоху: обзор зарубежных и российских подходов. // Вестник РУДН. Серия: Международные отношения. 2020, Т.20, №2, Сс.261-278
3. Louise Fawcett. Exploring Regional Domains: A Comparative History of Regionalism. June 2004. // International Affairs 80(3):p.433.
4. Илмий адабиётларда минтақавий келишувлар сони “Совуқ уруш” якуни ва 2000 йил орасида беш маротаба ортганлиги қайд этилади. Caporaso 2002;
5. Hosli, M. O., & Selleslags, J. (Eds.). (2020). The Changing Global Order. // United Nations University Series on Regionalism. 2020. p.150
6. Theories of New Regionalism. A Palgrave Reader. Edited by Fredrik Söderbaum and Tim Shaw. 2003.
7. Kanika Gupta. Globalization and the Theory of New Regionalism: A Post Cold-War Theoretical Perspective on Regional Organizations. // The International Journal Of Humanities & Social Studies. Vol 2 Issue 7 July, 2014 p.236-242
8. “Глобал бошқарув” тушунчаси, глобаллашув натижасида халқаро муносабатларда нафақат суверен давлатлар, балки ноҳукумат ташкилотлар, трансмиллий компаниялар ва бошқа янги турдаги акторларнинг иштирокини назарда тутади.
9. Bhagwati, J. Regionalism versus Multilateralism. // The World Economy. 1992. 15(5)/ pp.

10. Stephen Aris. A new model of Asian regionalism: does the Shanghai Cooperation Organisation have more potential than ASEAN? Cambridge Review of International Affairs, 22:3, 451-467, DOI: 10.1080/09557570903104040; Honrada, G. J. P., & Bokeriya, S. A. (2023). The Shanghai spirit and the ASEAN way as the foundations of a new regionalism. Vestnik RUDN. International Relations, 23(2), 253—264. <https://doi.org/10.22363/2313-0660-2023-23-2-253-264>;
11. Honrada, G. J. P., & Bokeriya, S. A. Ўша жойда.
12. Aris, S. (2009). A new model of Asian regionalism: does the Shanghai Cooperation Organisation have more potential than ASEAN? Cambridge Review of International Affairs, 22(3), 451–467. doi:10.1080/09557570903104040
13. Цзян И, Вэнь Лунцзе. Шанхайская организация сотрудничества: построение регионализма на основе консенсуса (часть 2) // Мир русскоговорящих стран. 2022. № 3 (13). С. 5-26. <http://dx.doi.org/10.20323/2658-7866-2022-3-13-5-26>. <https://elibrary.ru/gkfhmh>.